



Q A R O R

10 yil "5" *may*

№ 733-к
Samarqand tumani

«Оҳалик қишлоқ фуқаролар йиғини Кавола 1 маҳалласи ҳудудидан фуқаро Хамидова Шарофатга ем хашак, омукта ем, шрот ва шелуха сотиш пункти қуриш учун ер майдони ажратиш тўғрисида»

Туман ҳокимининг 2009 йил 18 майдаги 501-К сонли қарори билан фуқаро Хамидова Шарофатга ем хашак, омукта ем, шрот ва шелуха сотиш пункти қуриш учун ер майдони ажратилган. Мазкур қарор қабул қилинганда Давлат экологик экспертиза хулосаси олинмаганлиги сабабли, туман прокурорининг 2010 йил 23 февралдаги протестига асосан қарор 2010 йил 15 март куни бекор қилинган. Ҳозирги кунда фуқаро Хамидова Шарофат томонидан Давлат экологик экспертизасининг 2010 йил 04 мартдаги 149 сонли хулосаси олинганлиги, фуқаро Хамидова Шарофатнинг туман ҳокими номига ёзган аризаси ҳамда туман ер танлаш ҳайъатининг тузган тузган далолатномасини инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси «Маҳаллий Давлат ҳокимияти тўғрисида»ги қонунининг 6 моддасига асосан,

К А Р О Р К И Л А М А Н :

1. Оҳалик қишлоқ фуқаролар йиғини Кавола 1 маҳалласи, ўз уйи олдида фуқаро Хамидова Шарофатга ем хашак, омукта ем, шрот ва шелуха сотиш пункти қуриш учун масоҳати 120 м.кв. қишлоқ хўжалигида фойдаланмайдиган ерлари ҳисобидан ажратиш тўғрисидаги туман ер танлаш ҳайъатининг тузган далолатномаси тасдиқлансин.
2. Фуқаро Хамидова Шарофатга ем хашак, омукта ем, шрот ва шелуха сотиш пунктини таклиф қилинган лойиҳа асосида кўрсатилган муддатда қуриш топширилсин.
3. Ушбу қарор ижросини назорат қилиш туман ҳокимининг биринчи ўринбосари Б.Кодиров зиммасига юклатилсин.

Туман ҳокими

Б.Садуллаев



НОКИМИ

ҲОКИМИ

Q A R O R

2012 yil "12" may

Samarqand tumani

117-Q Sonli

Тумандаги «Каттакўрғонарик» қишлоқ фуқаролар йиғини «Юқори-Хўжасоат» маҳалласида яшовчи фуқаро Ҳамзаев Ҳамзага тегишли уй-жойнинг бир қисmini турар жой тоифасидан нотурар жой тоифасига ўтказиш ҳақида

Тумандаги «Каттакўрғонарик» қишлоқ фуқаролар йиғини «Юқори-Хўжасоат» маҳалласида яшовчи фуқаро Ҳамзаев Ҳамза туман ҳокими номига ариза билан мурожаат қилиб, туман ҳокимининг 2003 йил 4 феврал 117-Қ сонли қарорига асосан унга тегишли бўлган уй жойини бир қисmini турар жой тоифасидан нотурар жой тоифасига ўтказиб беришни сўраган.

Юқоридагиларга асосан, фуқаро Ҳамзаев Ҳамзага тегишли уй-жойига таёрланган туман ер тузиш ва кучмас мулк кадастри хизмати давлат унитар корхонасининг маълумотномаси ва барча тегишли ташкилотларнинг хулосаларини, оила аъзоларининг розилик хатлари ҳамда тақдим этилган ҳужжатлар тўпламини инobatга олиб, Ўзбекистон Республикаси «Уй-жой кодекси»нинг 15-моддаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 20 августдаги 357-сонли «Тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш учун рўйхатдан ўтказиш тартиботлари тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида»ги қарори билан тасдиқланган Низомига асосан,

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Тумандаги «Каттакўрғонарик» қишлоқ фуқаролар йиғини, «Юқори-Хўжасоат» маҳалласида яшовчи фуқаро Ҳамзаев Ҳамзага тегишли умумий 800,2 м.кв. ер майдонида жойлашган уй-жойнинг қурилиш тагидаги ер майдони 474,71 м.кв. дан иборат, шундан А-литердаги 1-та яшаш хонаси 21,15 м.кв, Б-литердаги 1-та айвон 41,31 м.кв, Б-1 литердаги 1-та омборхона 30,36 м.кв, Б-2 литердаги 1-та айвон 90,42 м.кв, Д-литердаги 2-та яшаш хонаси 35,05 м.кв, жами: 218,29 м.кв, қисми (омборхона сифатида фойдаланиши учун) нотурар жой тоифасига ўтказилсин.

2. Ушбу қарор қабул қилиниши муносабати билан, туман ҳокимлиги ҳузуридаги тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекцияси (Н.Бердиев)га, туман ер тузиш ва кўчмас мулк кадастр хизмати давлат унитар корхонаси (Т.Шаропов)га, туман давлат солиқ инспекцияси (З.Аминов)га, туман статистика бўлими (Ж.Зарипов)га ҳамда тумандаги «Каттакўрғонарик» қишлоқ фуқаролар йиғин (О.Алиев)ларига фуқаро Ҳамзаев Ҳамзага тегишли уй-жойни бир қисmini нотурар жой тоифаси (омборхона)га ўтказилиши муносабати билан ўрнатилган тартибда рўйхатга олиб, тегишли ҳужжатларини расмийлаштириш ва туман ҳокимлигига ёзма равишда маълумот тақдим этиш вазифаси топширилсин.

3. Фуқаро Ҳамзаев Ҳамза зиммасига: а) омборхонанинг ташқи кўринишини лойиха асосида архитектура талабларига риоя қилган ҳолда бинони конструктив қисmini бузмаслик, санитария, гигиена ва ёнгин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилиш; б) кадастр ҳужжатларини расмийлаштириш ва гувоҳномасини олиш; в) тадбиркорлик фаолияти доирасида иш олиб бориш учун амалдаги қонунларга асосан, ўрнатилган тартибда рўйхатдан ўтиб, махсус гувоҳномага биноан ўз фаолиятини олиб бориш юклансин.

4. Мазкур қарор рўйхатга олинган кундан бошлаб қонуний кучга киради.

5. Ушбу қарор ижросини назорат қилиш туман ҳокимининг биринчи ўринбосари Б.Қодиров зиммасига юклансин.

Туман ҳокими

Б.Садуллаев

543

«Желишилди»:

Туман ҳокимининг биринчи ўринбосари:

Туман ҳокимлиги ташкилий назорат
гуруҳи раҳбари:

Туман ҳокимлиги юристи:

Туман ҳокимлиги концелярия мудири:

Б. Қодиров

К. Тоҳиров

О. Қурбонов

Ш. Бурхонов

«Тайёрлади»:

Туман ҳокимлиги ҳузуридаги тадбиркорлик
субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш
инспекцияси бошлиғи:

Н. Бердиев

SAM
SAM
HOKI
TADBIRK
RO'YX
II

2010 yil

август
руйхат
тугрис
Каттак
фукаро
турар
сураган
етганли

Тадбир
давлат
инспекц



НОКИМИ

ҲОКИМИ

Q A R O R

2012 yil "13" may

Samarqand tumani

№ Q Sonli

Тумандаги «Боғибаланд» кишлоқ фуқаролар йиғини «Мотрид» маҳалласида яшовчи фуқаро Ҳалилов Қаюмга тегишли уй-жойининг бир қисмини устaxonа тоифасига ўтказиш ҳақида

Тумандаги «Боғибаланд» кишлоқ фуқаролар йиғини «Мотрид» маҳалласида яшовчи фуқаро Ҳалилов Қаюм туман ҳокими номига ариза билан мурожаат қилиб, туман ҳокимининг 2010 йил 18 феврал 153-сонли қарорига асосан унга тегишли бўлган уй жойини бир қисмини турар жой тоифасидан устaxonага ўтказиб беришни сўраган.

Юқоридагиларга асосан, фуқаро Ҳалилов Қаюмга тегишли уй-жойига таёрланган туман ер тузиш ва кучмас мулк кадастри хизмати давлат унитар корхонасининг маълумотномаси ва барча тегишли ташкилотларнинг хулосаларини, оила аъзоларининг розилик хатлари ҳамда тақдим этилган ҳужжатлар тўпламини инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси «Уй-жой кодекси»нинг 15-моддаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 20 августдаги 357-сонли «Тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш учун рўйхатдан ўтказиш тартиботлари тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида»ги қарори билан тасдиқланган Низомига асосан,

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Тумандаги «Боғибаланд» кишлоқ фуқаролар йиғини, «Мотрид» маҳалласида яшовчи фуқаро Ҳалилов Қаюмга тегишли умумий 887,44 м.кв. ер майдонида жойлашган уй-жойининг қурилиш тагидаги ер майдони 395,79 м.кв. дан иборат, шундан А13-литердаги 1-та омборхона 14,01 м.кв. А14-литердаги 1-та айвон 11,44 м.кв. жами: 25,45 м.кв қисми устaxonа сифатида фойдаланиши учун ўтказилсин.

2. Ушбу қарор қабул қилиниши муносабати билан, туман ҳокимлиги ҳузуридаги тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекцияси (Н.Бердиев)га, туман ер тузиш ва кучмас мулк кадастр хизмати давлат унитар корхонаси (Т.Шаропов)га, туман давлат солиқ инспекцияси (З.Аминов)га, туман статистика бўлими (Ж.Зарипов)га ҳамда тумандаги «Боғибаланд» кишлоқ фуқаролар йиғин (Г.Каримова)ларига фуқаро Ҳалилов Қаюмга тегишли уй-жойни бир қисмини устaxonага ўтказилиши муносабати билан ўрнатилган тартибда рўйхатга олиб, тегишли ҳужжатларини расмийлаштириш ва туман ҳокимлигига ёзма равишда маълумот тақдим этиш вазифаси топширилсин.

3. Фуқаро Ҳалилов Қаюм зиммасига: а) устaxonанинг ташқи кўринишини лойиҳа асосида архитектура талабларига риоя қилган ҳолда бинони конструктив қисмини бузмаслик, санитария, гигиена ва ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилиш; б) кадастр ҳужжатларини расмийлаштириш ва гувоҳномасини олиш; в) тадбиркорлик фаолияти доирасида иш олиб бориш учун амалдаги қонунларга асосан, ўрнатилган тартибда рўйхатдан ўтиб, махсус гувоҳномага биноан ўз фаолиятини олиб бориш юклансин.

4. Мазкур қарор рўйхатга олинган кундан бошлаб қонуний кучга қиради.

5. Ушбу қарор ижросини назорат қилиш туман ҳокимининг биринчи ўринбосари Б.Қодиров зиммасига юклансин.

Туман ҳокими

Б.С.Садуллаев

373

«Келишилди»:

Туман ҳокимининг биринчи ўринбосари:

Туман ҳокимлиги ташкилий назорат
гуруҳи раҳбари:

Туман ҳокимлиги юристи:

Туман ҳокимлиги концелярия мудири:

«Тайёрлади»:

Туман ҳокимлиги ҳузуридаги тадбиркорлик
субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш
инспекцияси бошлиғи:



Б. Қодиров

К. Тоҳиров

О. Қурбонов

Ш. Бурхонов

Н. Вердиев

SAMA
SAM
HOKIM
TADBIRKO
RO'YXA
IN

2010 yil «

У
август
руйхат
тугрис
Каттак
фукаро
тоифада
Ҳалилов
аризани

Тадбирк
давлат
инспекци



НОКИМИ

ҲОКИМИ

QAROR

2012 yil "13" may

Samarqand tumani

154-Q **Sonli**
«Зарафшон лойиха дизайн» масъулияти чекланган жамиятига кум кони очиш учун 2,0 га кишлок хужалигида фойдаланилмайдиган ер майдони ажратиш хақида.

Самарқанд туман хокимлиги хузуридаги ер участкаларини бериш (реализация килиш) масалаларини куриб чикувчи комиссияси йигилишининг 2010 йил 14 майдаги 62 сонли баённомаси, ишчи гурух томонидан тузилган ер танлаш далолатномаси, Самарқанд вилоят Давлат экологик экспертиси томонидан 2010 йил 6 майдаги 418 рақамли берган хулосаси ва «Зарафшон лойиха дизайн» масъулияти чекланган жамиятининг туман хокимлигига берган хатини инобатга олиб Ўзбекистон Республикаси «Ер кодекси»нинг 23 ва 78 моддасига асосан

КАРОР КИЛАМАН:

1. Самарқанд туман хокимлиги хузуридаги ер участкаларини бериш (реализация килиш) масалаларини куриб чикувчи комиссияси йигилишининг 2010 йил 14 майдаги 62 сонли баённомаси ва ишчи гурух томонидан тузилган ер танлаш далолатномаси тасдиқлансин.

2. «Зарафшон лойиха дизайн» масъулияти чекланган жамиятига кум кони очиш учун «Гулистон» агротехсервис массиви ер харитасининг 496 контуридаги туман захира ерлари хисобидан 2,0 га кишлок хужалигида фойдаланилмайдиган ер майдони ажратилсин.

3. «Зарафшон лойиха дизайн» масъулияти чекланган жамияти директори (Ш.Джалилов)га кум кони очишдан олдин Ўзбекистон Республикаси «Шахарсозлик кодекси»нинг 8,39 ва 54 моддаларига амал килган холда А.Р.Т. лойиха смета хужжатларини тайёрлаб Давлат курилиш назорат экспертиси ва назорат инспекцияси руйхатидан утказиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси «Ер ости бойликлари тугрисида»ги Конунининг 18 моддасига асосан ер ости бойликларидан фойдаланиш чогида бузилган ер участкаларини улاردан кейинчалик фойдаланиш учун яркли холатга келтириб кишлок хужалигида фойдаланадиган ер турлари балансига утказиш вазифаси топширилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси «Солик кодекси»га асосан ер солигини ундириш ва туман захира ер балансига узгартириш киритиш ҳамда ер майдонларига эгаллик килиш ва ундан доимий фойдаланиш хукукини давлат руйхатига олиб, тегишли давлат хужжатларини бериш туман Давлат солик инспекцияси (З.Аминов) ва туман ер ресурслари ва давлат кадастри булими (Ш.Бурхонов)га топширилсин.

5. Ушбу қарор бажарилишини назорат килиш туман хокимининг биринчи уринбосари Б.Кодиров зиммасига юклансин.

Туман хокими

Б. Садуллаев



218

Q A R O R

2010 yil "14" may

№ 755-К

Samarqand tumani

Фуқаро Адилова Ноннага «Каттакўрғонарик» қишлоқ фуқаролар йиғини «Ўрта Хўжасоат» маҳалласи ҳудудидан енгил конструкцияли автомобилларни ювиш шахобчаси куриш учун вақтинчалик (узоқ муддатга) ер майдони ажратиш тўғрисида

«Каттакўрғонарик» қишлоқ фуқаролар йиғини «Ўрта Хўжасоат» маҳалласида яшовчи фуқаро Адилова Нонна туман ҳокими номига ариза билан мурожаат қилиб, ўз уйи олдида вақтинчалик енгил конструкцияли автомобилларни ювиш шахобчаси куриш учун ер майдони ажратиб беришни сўраган.

Юқоридагиларни, вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси давлат экологик экспертизасининг 2010 йил 24 февралдаги 129 сонли хулосаси ҳамда туман ер танлаш ҳайъатининг далолатномаси ҳамда туман ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкаларини бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиясининг 2010 йил 9 апрелдаги хулосасини инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 20 августдаги 357 сонли «Тадбиркорлик фаъолиятини ташкил этиш учун рўйхатдан ўтказиш тартиботлари тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида»ги қарори ҳамда Ўзбекистон Республикаси «Ер кодекси»нинг 20- моддасига асосан,

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н :

1. Фуқаро Адилова Ноннага «Каттакўрғонарик» қишлоқ фуқаролар йиғини «Ўрта Хўжасоат» маҳалласи ҳудудидан енгил конструкцияли автомобилларни ювиш шахобчаси куриш учун вақтинчалик (узоқ муддатга) 24 м.кв қишлоқ хўжалигида фойдаланмайдиган туман захира ерлари ҳисобидан ер майдони ажратиш ҳақидаги туман ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкаларини бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиясининг хулосаси ҳамда туман ер танлаш ҳайъатининг тузган далолатномаси тасдиқлансин.

2. Фуқаро Адилова Ноннага енгил конструкцияли автомобилларни ювиш шахобчасини куришдан олдин қатъий равишда лойиҳа ҳужжатларини тайёрлаб тегишли туман ташкилотлари билан келишилган ҳолда куриш топширилсин.

3. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг биринчи ўринбосари Б.Қодиров зиммасига юклансин.

Туман ҳокими

Б.Садуллаев